

## АМИР ТЕМУРНИНГ ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ СИЁСАТИ ТҮҒРИСИДА

Магдиходжаев С.С

и.ф.д.,

Турапов Р.А.

профессор

**Аннотация:** Мақолада Турон заминида мустақил давлат тузииш ва хорижий мамлакатларни фатҳ этиши ўрганиб чиқилди. Ташқи муносабатларда түтилган йўл-йўриги таҳлил қилинди. Амир Темур империясининг турли босқичлардаги иқтисодий фаолияти ҳам, амалга оширган умумий сиёсатнинг ажралмас ва узвий бир қисми сифатида кўрсатиб ўтилди. Соҳибқирон элчиларни танлашда катта эътибор берилганлиги алоҳида аҳамият касб этилишини кўрсатилди. Амир Темур дипломатиясига хос хусусиятларига эга катор усуслар ёритиб берилди. Олиб борилган одилона ташқи иқтисодий фаолият очилиб берилди. Мамлакатга чет эл сармоясининг кириб келишини ва бунинг натижасида аҳолининг иқтисодий баркамоллигини ўсишда ташқи иқтисодий алоқалар мухим роль ўйнаши таҳлил килиниб, кўрсатиб ўтилди.

**Калит сўзлар:** ижтимоий-иқтисодий, ташқи муносабат, бевосита, ташқи иқтисодий сиёсат, тужжор, нома, истибдод, дипломатия, сармоя, забун, рисолат, алқисса, мулозамат.

Амир Темурнинг юришларидан мақсад нафақат мамлакатнинг сиёсий балки ижтимоий-иқтисодий ахволини яхшилашдан ҳоли эмас эди. давлат иқтисодини юксалтиришда эса ташқи иқтисодий алоқалар мухим ва катта ўрин тутишини амир темур яхши тушунган.

Улуғ ўзбек олими И.Мўминов Амир Темурнинг Урта Осиё тарихида тутган ўрни ва роли” рисоласида Соҳибқирон фаолиятини икки босқичга, Турон заминида мустақил давлат тузиш ва хорижий мамлакатларни фатҳ этишга йуналтирилган даврларга бўлиб ўрганишни тавсия этади. Унинг ташқи муносабатларда тутган йўл-йўриғини таҳлил этишди ҳам ана шу мезондан келиб чиқиш маъқул келади. Чунки тарихда таркиб топган ҳар қандай мамлакатнинг ташқи иқтисодий сиёсати ва хорижий муносабатлари унинг муносабатларининг бевосита давоми сифатида намоён бўлиши маълум ва хақиқатдир. Амир Темур империясининг турли босқичлардаги иқтисодий фаолияти ҳам, амалга оширган умумий сиёсатнинг ажралмас ва узвий бир қисми сифатида каралмоғи лозим.

Соҳибқироннинг Моварауннахрда мустақил давлат тузиш жараёнидаги ташқи иқтисодий фаолияти, унинг хавфсизлигини таъминлаш мақсадида Олтин Ўрда ва Дашиби Кипчоққа нисбатан амалга оширган тадбирлари, жаҳонғирлик фаолияти бошланганда, у дастлаб Хурросон, сўнгра Эрон ва Ажам Ирони, Кавказ сарҳадлари,

Ҳиндистон, ҳитой, сунгра араб мамлакатлари хамда Туркия ва ниҳоят Овруна давлатлари билан бўлган иқтисодий алоқалари жўда хам кенг қамровлидир.

Амир Темурнинг ташқи иқтисодий сиёсати борасидаги фаолиятига таалуқли воеалар шуни кўрсатадики, у бирон дақиқа бўлмасин сиёсий ходисалар тизгинини назардан кочирмаган ва тинмасдан меҳнат килган. Нафақат самарканд балки бепаён империянинг каерида бўлмасин ҳар вақт чет эл элчиларни қабул килган ва атроф мамлакатлардан узлуксиз маълумотлар келиб турган.

Шароффиддин Али Яздийнинг ёзишига, Темур саройига Миср, дашти Кипчоқ, араб мамлакатлари, Франция, Испания ва Шарқий Туркистондан жуда кўплаб элчилар келиб туришган.

“Амр килдимки,-дейди Темур ўз “Тузуклари” да,- мингта тезюар тужорар түя минган, мингта от минган елиб югурувчи кишиларни чопкунчи, минг нафар тезюар пиёданичопар этиб тайинласинларки, турли мамлакатлар, сархатларнинг хабарларини қўшни хукмдорларнинг мақсадлари ва ниятларини билиб, хузуримга келиб хабар килсинлар, токи бирор ходиса, кор-хол юз бермасдан бутун чора ва иложини килайлик....

Амир Темурнинг ўзи эса бошқа мамлакатларга элчилар оберар экан, унинг номидан иш кўрувчи одамларнинг эътиборли, эл-юрт ичидан танилган ва акл-зақоватли бўлишига катта эътибор беради. Буни италиялик тужжор Мичианелли асарида келтирилган қўйидаги сатрлар тўла испотлайди. “Амир Темурнинг кишилари деб ёзади у,-жуда хам кўркам эди, ўлар насли-насабига кўра улугвор кўринарди. Улар олий ҳусусиятли, фаросатли, машҳур, ёшига караб мансабдор бўлган кишилар эди...Темурнинг шундай элчилари бор эдики улар, араб, юнон, хибуру(яхудий) ва бошқа катор, тилларни билардилар, осмон илми геометриядан машҳур эдилар. Соҳибқирон элчилари танлашга ҳам катта эътибор берганига шубха йўқ. Шулар жумласидан Испанияга бориб ва испан элчилари билан яна Самаркандга кайтган олий жаноб инсон Ал-Кеший сингари дипломатлар бор эди.

1394 й. Амир Темур тухтамишга юборган элчиси Шамсиддин Алмолиқийни Низомиддин, Шомий шундай таърифлайди. “У иш кўрган, ақлли, хушёр, Донишманд эди. У борган жойига ширинсуханлик билан кўнгилга ёқар гапларни айтиб, сўзнинг уланиши-ю, ривожига караб, мақсадини адо этди. Унинг сўзлари подшо ва амирлар калбига таъсир кўрсатиб, Тухтамишон сулҳи сафога мойил бўлди ва Шамсиддин Алмолиқийни сийлаб, ҳурмат билан қайтарди”.

Амир Темур томонидан хорижий хукидорларгабарча номалар асосан, унинг ўз номидан ёзилган. Бу номалар ўша даврда Шарқда Эрон тили-яъи форс тилида битилган.

Аммо элчиларга топширилган мактублар одатда “Амир Темур Кўрачон сўзим(ёқи сўзимиз)” деган туркий жумла билан бошланган. Буни Овруна мамлакатларига йўллаган ёзишмаларида ҳам кўрамиз.

Амир Темур “Тузуклари”да, қайси ишни чораю тадбир билан битиришнинг иложи бўлса, унда килич ишлатмадим” деган ибора битилган. Бу нарса унинг дипломатиясида асосий ўрин тутганлигини маълум. Бу иқтисодий, сийсий, дипломатик йўл бутун Моварауннахрни бир яхлит давлат сифатида бирлаштиришда катта ижобий натижалар берди. Акс холда мўғулларнинг 150 йил давом этган зулмидан кейин энди кад ростлаб келаётган ўнлаб шаҳар ва кишлоқлар, суғориш иншоотлари кайтадан вайрон килинган бўлур эди. Бу эса ўз навбатида мўғул иститдодига қрши қурашишидаги яқдилликга раҳна соглан мустақиллик тарафдорлари сифатида сиёсий майдонга чиққан кучларнинг ижтимоий ва иқтисодий таянчини ожизлантириб пировард натижада бу кучларнинг мақсадга эришув муддатини чўзиб юборган бўлур эди.

Амир Темур дипломатиясига хос хусусиятлардан яна бири, у ракибларга ёзган мактубларида ҳеч қачон шаркано одоб-аҳлоқ доирасидан четга чиқмаган. Хатто ультиматум тарзида юборилган мактубларнинг биронтасида ҳам душман шаҳсини хақорат қилиш, ёмон сўзлар билан камситишни ўзига эп кўрмаган.

Амир Темур хукмронлик килган давлат сарҳадларида хорижий вакиллар, айниқса элчилар бедаҳл қишилар сифатида қарелар, унинг буйруғига биноан жойлардаги барча катта-кичик амалдорлар уларга ҳар томонлама қулай шароит ҳозирлашлари шарт қилиб қўйилган эди. Клавихонинг айтишига, испан элчилари амир Темур суворийлари туёқлари етган сарҳадларга кадам қўйиши биланоқ ўзларига нисбатан бутунлай бошқача муносабатга дуч келар эдилар. Улар йўл-йўлакай каерда тўхтамасинлар ҳамма жойда катта ҳурмат билан эъзозланадилар, мутлако кулсиз, етарлига озиқ-овқат, от-улов ҳатто кийим-кечак билан ҳам таъминланиб борадилар.

Амир Темур салтанати Буюк ипак йўлининг энг серкатнов, сердаромад, гавжум ва осойишта қисми ҳисобланган.

Чунки катта-катта Карвон йўлларида ҳам соқчилар савдогарлар, элчилар ва саёҳатчиларнинг заарсизлигини таъминланган. Улар олиб кетаётган товар маҳсулотларнинг заарсизлиги тўла таъмин этилиб, йуқолган, ўғирланган ва зўрлик билан тортиб олинган нарсалар учун ҳеч қандай шавқат килинмаган. Шу билан бирга темур ўз мамлакатининг дахлсизлигини ҳам мустаҳкам ҳимоя этган.

Мамлакт чегарасидан олиб чиқиш кетилаётган ёки аксинга олиб кирилаётган маҳсулотлар мунтазам равишда текширув масканлар орқали киргизилган ёки чиқарилган. Клавихонинг ёзишига ҳеч кимга маҳсус руҳсатномасиз амударё орқали кайикларда руҳсатсиз чиқиб кетишга ҳаракат килса, маҳсус текшириш бўлинмаларида тухталиб, ноқонуний бўлса кўлга олинган ва қаттиқ жазоланган. (бу бўлинмалар ўз вақтида божхона вазифасини бажарган). Мақсад ҳеч ким бу мамлакатдан ўғирлик килиб кочмаслиги, мамлакатнинг халқнинг мол-мұлқини талон-тарож килиб бошқа мамлакатларга ўтиб кетишга ёки кириб келишига йўл кўйилмаган.

Бу ҳақда Соҳибқирон “Мамлакатни ҳимоя қилиб, душманни йулатмаган навқарни юқори мартабага кўтариб, ҳурматсинлар, фасодчи, бузуки, нафси ёмон кимсаларни мамлакатдан хайдасинлар. Атрофдан кирган-чиққан молу-мулк, четдан кирган ва четга чиқадиган хар қандай ет кишилар, хар қайси мамлакатдан келган карвонлар ва ҳукмдорлик хакидаги хабарлар, кўшни подшоҳлар, уларнинг чопарлари, фикр-мулохазалари, ишлари ва узоқ ўлкалардан бўлиб, менинг даргоҳимга юзланган уламолар, фузалокар хақидаги батафсил фикрларни, хабарларни хабар навислар (яъни маълумот тўплавчи шахслар) ростлик, тўғрилик билан менга ёзиб турсинлар хабабарларни кунма-кун, ҳафтама-ҳафта, ойма-ой менинг арзимга етказиб турсинлар”, деган эди.

Ўз-ўзидан кўриниб турибдики ташқи иқтисодий фаолият накадар одилона олиб берилган.

Биринчидан: Мамлакат чегаралари камчалик мустаҳкам бўлса, талон-тарожлик, ўчирилик, ташиб кетувчилик шунчалик кам бўлади ва мамлакат бозорлари ўз маҳсулотлари билан тукин-сочин бўлади.

Иккинчидан: Кўшни ёки узоқ чет мамлакатлар билан савдо ва товар алмашишни канчалик тўғри йўлга қўйилса ва унинг ривожланишини тўла таъминланса, мамлакат бозорлари чет эл маҳсулотлари билан тўлиб тошади ва нарх-наво шунчалик арzonлашади, кулларни кадри эса мустаҳкамланади.

Амир Темур мамлакатга чет эл сармоясининг қириб келишини ва бунинг натижасида мамлакат аҳолисининг иқтисодий баркамоллигини ўсишида ташқи иқтисодий алоқалар муҳим роль ўйнашини оқилона тушуниб етган.

Унинг 1402 йил Франция ва Англияга юборган элчиси сultonия архиепископиоаннга қироллар учун топширилган маҳсус-мактублардан ташқари Соҳибқирон қўйидаги икки нарсага ғоя каттиқ эътибор беришни уқдиради.

1. Хар иккала давлатда истиқомад қиласидиган мусулмон ва христианлар ўртасида эркин иқтисодий муносабатларни барпо этиш, савдо-сотиқни ҳар тарафлама ривожлантириш.

2. Агар қирол жаноби олийлари ва черқочлар бунга рай билдирсалар ва розилик берсалар, унда ушбу масала юзасидан бир шартнома тўзиб, бу ҳолни расмий суратда мустаҳкамлаш.

Умуман Амир Темур билан Овруна ҳукмдорларининг иқтисодий дипломатик алоқаларига келсак, бу номаларнинг айримлари ҳозир ҳам париж ва Лондон кутубхоналарида сакланиб келинмоқда. Куйида профессор Сильвестр де Саси томонидан қайта кўчирилган Амир Темурга номасининг профессор ботирхон Валихўжаев томонидан таржима килинган матн қўйидаги:

“Улуғ Амир Темур Кўргон умрлари зиёда бўлғой малик Ре де Франса (Фарангистон қироли маъносида) ушбу дўстингизнинг юз минг саломи ва истакларини бир жаҳон орзулари билан бирга қабул қилғайсиз”.

Амир кабир ҳазратларига мустажоб бўлғувчи дуоларни етказишдан сўнг маълум бўлғайким, таълим бергувчи Кафар (“монах”) Франкас (Франциск) бу томонга етиб келиб, ҳазратнинг мактубларини ҳам олиб келди ва ул Амири Кабирнинг олийжан обликлар азamat ва улуғворликларини баён этдики, бундан ниҳоятда хурсанд бўлдик. Шунинг билан бирга у, сизнинг душманларимиз устига кўн сонли лашкар билан отланганингизни ҳам сўзлади. Оллоҳ таоланинг кўмаги бирла улар забун (мағлуб) бўлғайлар.

Бундан кейин навқирон хедим-подшоликнинг мор хасеси (архиепископ Иоанн) хизматингизга юборилади. У сизнинг ҳузурингизда барча воқеаларни сўзлаб бергусидир.

Энди ул Амири Кабирдан илтимосимиз ва умидимиз шулки, бизга муборак мактубларини ҳамиша йуллаб турсалар, токи улар бизни Амир Кабирнинг саломатликларидан хабардор килиб, бу соҳада хотиримизни жом килғайлар. Яна ҳазратлари ўз тожиларини биз томонга юборсалар ва биз уларнинг ҳурмат эътиборини бажо кеелтирасак, уларнинг ҳурмат-иззатлари сақланса, уларга ҳеч ким зўрлик кўрсатмаса, зиён еткизмаса. Чунки дунё тожирлар билан ободдир. Рисолат (элчиликни) ҳам ўрнатурмиз.

Давлат узоқ йиллар камроликда бўлсин. Хижрий 805 йил муқаррам ойининг аввалида (милодий 1402 й., 1 август) ёзилди. Париждаги миллий кутубхонада саклаб килинаётган Фарангистон қироли Карл Vining Амир Темурга йуллаган иккинчи номаси. Карл худонинг суюкли бандаси ва франклар қироли шавкатли ва қудратли ҳоқон Темурбейга салом ва тинчлик тилайди.

Шавкатли ва музaffer ҳукмдор маълумингизни, қудратли қироллар ва шавкатли подшолар ўзларининг диний мазҳабларидан, забони, дунекараши ва қонунларининг тўрли-чуманлигидан катъий назар ҳоҳиш билдириб, иттифоқ ва ошно тутиналар, улар қўли остидаги аҳли фуқаронинг ҳам тинчлигу-осойишталигини таъминланган булур эди. Шу боисдан сиз шавкатли ва музaffer ҳукмдорнинг архиепископ Иоанн жаноблари орқали юборган номангизни оларканмиз, бизга йуллаган саломингиз ва яхши тилакларингизни ўқиб ҳамда Сиз олийларининг душманимиз сulton боязид устидан қучган зафарингизни эшитиб беҳад шод бўлдик... Алқисса ўзингиз истак билдирганингиздек, бундан буён ҳам бизни фуқароларимизга нисбатан муруватли бўлғайсиз. Сизнинг марҳаматингиз билан бизнинг фуқаро ва савдогарларимиз томонларга борсинлар, сизнинг тожирларингиз ва савдо аҳлингиз бизнинг ерларга ташриф буюрсинлар. Сиз ва биз уларга қулай шароитлар яратиб берайлик хавфсизлигини таъминлайлик. Бу ишда бизнинг ваф қилажагимизни ва ваъдамизнинг барқарорлигини элчи архиепископ Иоаннинг ўз оғзидан эшитғайсиз.

Ва ниҳоятсиз олий ҳукмдорнинг ўз қўл остингиздаги ўлкаларда яшаётган христиан махҳабига мансуб фуқароларга нисбатдан мурқвватли бўлаётганингизни ҳам эшитдик ва бунинг учун сизга ўз миннатдорчилигимизни баён этғумиздир. Биз

ҳам сиз ҳазратларининг фуқароларига насиб этгудек бўлса, бундан ҳам зиёда мулозамат кўрсатишга ҳаракат қилурмиз.

Нома милодий 1403 й. 15 июня Париж шаҳрида битилди.

Амир Темур ташқи иқтисодни кенг миқёсда ривожлантириш мақсадида Англия, Испания, франция, Хитой, Рус, Татаристон ва бошқа кўплаб мамлакатлар билан ана шундек оқилона иқтисодий фаолият юритган.

#### **ФОЙДАЛАНГАН АДАБИЁТЛАР:**

1. И.Муминов “Амир Темурнинг Ўрта Осиё тарихида тутган ўрни ва роли”;
2. Шароффиддин Али Язвий “Амир Темур дипломатияси ҳақида”;
3. Амир Темур “Тузуклари”;
4. Сильвестр де Саси “Амир Темур Овруна ҳукмдорларнинг “иқтисодий” дипломатик алоқалар номалари”;
5. Никбоев У. “Темур давлатининг ташқи иқтисодий фаолияти ҳусусида” 6.6.5-9. Ёш олимлар илмий ишлар тўплами. III китоб, 1996 й. ЎзР ФА Иқтисодиёт институти.